*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2016 йил **12 март** ШАНБА **№ 21** (12865)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

# АҲИЛЛИК, ҲАМЖИҲАТЛИК, БИРДАМЛИК НАМУНАСИ

*Бутун мамлакатимиз бўйлаб умумхалқ хайрия ҳашари бошланди*

Ҳашар – халқимизнинг азалий, эзгу анъанаси. Қадимдан ҳашар йўли билан битмаган ишнинг ўзи бўлмаган. Зеро, ҳамжиҳатлик, ҳамфикрлик, муҳим ишларни бамаслаҳат ҳал этиш, маҳалла, тураржойлар озодалигини сақлаш, фаровон ҳаётга интилиш сингари юксак фазилатларни ўзида намоён этувчи бу таомил халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг яққол кўзгуси янглиғ, неча асрларки яшаб келаяпти. Элни бир мақсад сари бирлаштирадиган, меҳр-оқибат, хайр-саховат, беғараз ёрдам каби олижаноб туйғуларни кенг тарғиб этадиган қадриятларимиз орасида ҳашарнинг ўрни беқиёс.

**Давоми 2-бетда.**



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг
ҚАРОРИ

## ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИ РАИСЛАРИ (ОҚСОҚОЛЛАРИ) ВА УЛАРНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ҲАМДА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддаси, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддаси, "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8, 10 ва 11-моддаларига мувофиқ, шунингдек, фуқаролар йиғинлари раислари ва улар маслаҳатчиларининг ваколат муддати 2016 йил май-июнда тугаши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчиларининг навбатдаги сайловини ўтказиш муддати 2016 йилнинг май-июнь ойлари этиб белгилансин.

2. Бўлажак сайловда 9764 нафар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг 99 минг нафардан зиёд маслаҳатчиси сайланиши режалаштирилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. 2016 йил май-июнь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир тадбирлар режаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси таркиби 2-иловага мувофиқ;

**Давоми 2-бетда.**

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

### Осойишталик кафолати

*Ўтган йил мобайнида Тошкент вилоятидаги 420 маҳаллада бирорта ҳам жиноят қайд этилмади.*

Бу маълумот Чирчиқ шаҳрида маҳаллаларда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш борасида ички ишлар идораларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлигининг долзарб масалаларига бағишлаб ўтказилган давра суҳбатида тилга олинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган анжуманда вилоятдаги кўплаб маҳалла оқсоқоллари ва маслаҳатчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари ва ёшлар иштирок этди.

**Давоми 2-бетда.**

### Дурадгорлар жамоаси изланишда

*Янгийўл туманидаги "Расулов" масъулияти чекланган жамиятида тайёрланаётган замонавий эшик-ромлар тури 300 дан ошди.*

Бунинг боиси, моҳир дурадгорлардан иборат жамоа ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан мунтазам янгилаб боришга интилаётганидир. Масалан, бу ерга Германиядан илғор замонавий дурадгорлик ускуна ва анжомлари келтирилган бўлиб, улар хом ашёни силлиқлашдан тортиб, унга нақшинкор жило беришгача бўлган барча жараёнларни муайян дастурий тизимлар орқали тез ва қулай бажариш имконини бераяпти.

Юртимизда тадбиркорлик ривожига берилаётган имтиёз ва имкониятлардан руҳланаётган жамоа якка буюртмачилар ва қурилиш нуқталарига ҳар ой 3000 донагача замонавий эшик-ром етказиб беришга муваффақ бўлаяпти.

**Шерзод ШУҲРАТОВ.**

### Энг катта шараф

*Пискент тумани "Бекобод" маҳалласида "Оилада аёлнинг ўрни" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.*

Туман ҳокимлиги вакиллари, маҳалла оқсоқоллари, диний-маърифий масалалар бўйича маслаҳатчилар ва ёшлар иштирок этган тадбирда фарзанд, айниқса, қиз болалар тарбиясида оналар масъулиятини ошириш, уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш орқали ёшлар ўртасида эрта никоҳ ва эрта туғуруқларнинг олдини олиш масалаларига эътибор қаратилди. Шунингдек, оилада соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, фарзандлар маънавиятини юксалтириш, қизларни касб-ҳунарли қилиш, мустақил ҳаётга тайёрлаш хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

## СОҒЛОМ ОИЛА – БАХТ ОШЁНИ

*"Ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавият қўрғони бўлмиш оилани мустаҳкамлаш бугунги кунда барчамизнинг наинки асосий вазифамиз, балки инсоний бурчимизга айланишини истар эдим", деб таъкидланади Юртбошимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" китобида. Қувонарлиси шундаки, бу мақсад мамлакатимизда бекаму кўст ва изчиллик билан рўёбга чиқмоқда.*

### Эътибор

Оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилишга оид Давлат дастурларига мувофиқ, соғлиқни сақлаш, она ва бола соғлиғини самарали муҳофаза қилишни таъминлаш, аёлларнинг ҳуқуқий ҳамда тиббий маданиятини ошириш йўлида кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели яратилган, мазкур модель асосида "Соғлом она – соғлом бола" дастури умуммиллий ҳаракатга айланди, унинг мукаммал ижроси учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди.

**Давоми 2-бетда.**

*Соғлиқни сақлаш тизимида ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотлар туфайли нафақат шаҳарларда, балки қишлоқ жойларда ҳам замонавий тиббий муассасалар барпо этилиб, моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда. Бу аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш, турли касалликларнинг олдини олиш, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини асраш имконини бераяпти.*

### Ойлик

## МАРКАЗДАН ОЛИС ҚИШЛОҚҚАЧА

Президентимизнинг "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури тўғрисидаги Қарори бу ишлар кўламини янги босқичга кўтарди. Мазкур дастур доирасида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ташаббуси билан 1 мартдан 1 апрелга қадар вилоятимиздаги барча бирламчи тиббий-профилактика муассасаларида "Патронаж ойлиги" эълон қилинди. Мақсад – аҳоли саломатлигини асраш, фертиль ёшидаги аёллар, ҳомиладорлар, болалар, ўзгалар парваришига муҳтож, ёлғиз кекса ва ногиронлар ҳолидан хабар олиб, малакали тиббий ёрдам кўрсатишдир.

Ойликка вилоятимиздаги 248 қишлоқ врачлик пункти, 30 га яқин оилавий ва кўп тармоқли поликлиникалардаги 2365 шифокор, 8416 ҳамшира ва патронаж ҳамшира жалб қилинган.

Тадбир кўламини кенгайтириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида соматик касалликлар бўйича марказ, диспансер ва шифохоналар ўз йўналишларига қараб назоратда турган беморларнинг уйларида бўлмоқдалар. Шунингдек, маҳаллаларда, ўқув муассасалари ва корхоналарда хотин-қизлар қўмитаси, "Нуроний" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, таълим тизими ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамкорлигида касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзи юзасидан тадбирлар ташкиллаштирилмоқда.

**Муқаддас ИСРОИЛОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этишга ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси тўғрисида

**АХБОРОТ**

2016 йилнинг 11 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этишга ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда белгиланган сайловни ташкил этиш ва ўтказишга доир долзарб вазифалар муҳокама этилди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Н.Йўлдошев бошқарди.

Мажлисда сенаторлар, Сенат Кенгаши комиссияси аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ташкилий-назорат гуруҳлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Нуроний" жамғармаси раҳбарлари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика Маънавият тарғибот маркази вакиллари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Таъкидландики, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг жорий йил 5 мартдаги "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ мамлакатимизда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ҳамда "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосида ўтказиладиган ушбу сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнлари чуқурлашиб бораётган, сифат жиҳатидан янги ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий шароитда ўтказилаётган мазкур сайлов тадбир ташкилотчилари зиммасига катта масъулият юклайди.

Сайловни ташкил этишнинг дастлабки босқичида Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг сайлов ўтказиш борасида билим ва тажрибага, аҳоли орасида обрў ҳамда ҳурматга эга бўлган шахслар орасидан фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этишга ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссияларини тузиш муҳим аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш учун фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) қарори билан фуқаролар йиғинининг, тегишли ҳудудда жойлашган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек, Халқ депутатлари тегишли туман (шаҳар) Кенгашининг депутатидан иборат таркибда ишчи гуруҳларни тузиш режалаштирилмоқда.

Сенат Кенгаши комиссияси аъзолари сайловни ташкилий-ҳуқуқий ва техник жиҳатдан таъминлаш, уни ташкил этиш ва ўтказишда Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва бошқа манфаатдор давлат органлари ҳамда жамоат ташкилотлари олдида турган устувор вазифаларни бажариш, шунингдек, оммавий ахборот воситаларида сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнларини кенг ёритиб бориш масалаларига эътибор қаратдилар.

**Давоми 2-бетда.**

### Таълим

*Мустақилликнинг илк кунлариданоқ миллий маънавиятни ҳар томонлама юксалтириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди.*

## КАМОЛОТНИНГ ҚЎШ ҚАНОТИ

Шу мақсадга хизмат қилувчи барча омил ва мезонлар асосида амалга оширилаётган чора-тадбирлар халқимизнинг руҳияти, дунёқараши, турмуш тарзини ўзгартирди.

Маънавият шаклланишига бевосита таъсир қиладиган энг муҳим омил – таълим ва тарбияга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳам беқиёс самаралар бераяпти. Бунда аждодларимиз қолдирган бебаҳо меросни асраб-авайлаб, янги авлодни вояга етказишдек масъулиятли вазифани оғишмай адо этаётган устозлар меҳнати таҳсинга лойиқ.

**Давоми 4-бетда.**

## ҒАМХЎРЛИКДАН ЧЕКСИЗ МИННАТДОРМИЗ

*Ҳар сафар Аёлларга олам-олам қувонч бағишлайдиган илк баҳорий айём – Халқаро хотин-қизлар байрамини нишонлар эканмиз, бизга кўрсатилаётган ҳурмату эҳтиромдан бошимиз кўкка етади.*

### Изҳор

Айниқса, муҳтарам Президентимизнинг Ўзбекистон хотин-қизларига йўллаган байрам табригини телевизор орқали тинглаб, ҳаяжону шодликдан вужудимиз яйради. "Бу дунёда ширин ва аҳил, бахтли ҳаёт учун пойдевор яратиб, инсонни инсон, оилани мустаҳкам оила қиладиган, биз учун севги-муҳаббат, вафо ва садоқат тимсоли бўлиб келаётган сиз, гўзал ва бетакрор, қадрдон аёлларимиз, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз..."

Нақадар самимий, дилга яқин сўзлар. Бутун Ўзбекистон аёлларига беқиёс руҳий кўтаринкилик бахш этган бундай самимий эътироф бизни янада юксак орзу-умидлар сари чорлайди, оила, жамият ишларида катта куч, мадад беради, албатта.

Яратганга шукрки, ишонган боғимиз – ҳур Ватанимиз, суянган тоғимиз – Юртбошимиз бор. Ахир қайси мамлакатда аёллар бизлардагидек қадрланиб, эъзозланади?! Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бундай эъзозу эҳтиром фақат бизга, Ўзбекистон аёлларига насиб этмоқда. Менинг она сифатида фарзандларим – ўғил-қизларимнинг эртанги кунидан кўнглим тўқ.

Инсон сийланган жойида азиз, дейишади. Биз, аёлларга кўрсатилаётган бундай юксак эътибор, ғамхўрлик учун минг бора ташаккур айтсак оз. Ўз навбатида, зиммамиздаги масъулиятни ҳам теран ҳис этиб турибмиз.

Оиладаги файз-барака, хотиржамлик, жамият барқарорлиги, фарзандлар камолоти ҳар жиҳатдан аёлларнинг фаоллиги, жонкуярлигига боғлиқ экан, бу йўлда бор куч-ғайратимиз, меҳнатимизни аямаймиз. Бинобарин, барча аёлларнинг эзгу нияти шу, десак асло янглишмаймиз.

**Хайриниссо МИРЗАЖОНОВА,**
**Ўрта Чирчиқ тумани, Қумовул ҚФЙ раиси.**

# АҲИЛЛИК, ҲАМЖИҲАТЛИК, БИРДАМЛИК НАМУНАСИ

Истиқлол йилларида ушбу бебаҳо қадриятимиз ҳам асл қиёфасига қайтди. Улуғ байрамлар арафасида эл-улус якдил бўлиб ҳашар ўтказиши яхши анъанага айланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 4 мартдаги фармойиши бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлаётир. Мазкур фармойишга мувофиқ, юртимизда март-апрель ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ҳамда 12-13 март кунлари умумхалқ хайрия ҳашари деб эълон қилинди.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида кўзда тутилган вазифаларни амалга ошириш, ижтимоий ҳамкорлик, беғараз ёрдам, меҳр-оқибат каби халқимизга хос хислатларни янада юксалтириш, қишлоқ ва шаҳарлар, маҳаллалар, аҳоли тураржойларини орасталаш, юртимиздаги санитария-эпидемиологик ҳолатни янада яхшилаш ҳамда шарқона янги йил – Наврўз айёмини муносиб кутиб олиш ва кенг нишонлашга пухта тайёргарлик кўриш мақсадида ўтказилаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги доирасидаги ҳашарда вилоятимиз аҳли, айниқса, ёшлар ўзаро ҳамжиҳатлик билан фаол иштирок этишни ният қилган.

Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлимидан олинган маълумотларга кўра, ойлик доирасидаги ушбу ҳашарда шаҳар ва туманларимиздан бир ярим миллиондан зиёд аҳоли иштирок этиши кутилмоқда. Уларнинг 900 минг нафардан ортиғи ёшлардир. Ҳашар кунлари олти минг гектардан зиёд майдонда ободонлаштириш ишлари амалга оширилади. Қарийб уч минг километр узунликдаги ариқ-зовур ва лотоклар тозаланиб, саккиз юзга яқин зиёратгоҳ ва қабристон тартибга келтирилади. Икки мингга яқин махсус техника воситаси ёрдамида минглаб тонна маиший ва қурилиш чиқиндиси белгиланган жойларга чиқариб ташланади. Тураржой массивлари ва маҳаллалардаги дарахтларга шакл берилади. Беш миллионга яқин мевали ва манзарали дарахт ҳамда гул кўчатлари ўтқазиш кўзда тутилмоқда.

– Ойлик доирасида гуманитар соҳада ҳам бир қатор тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган, – дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлим бошқаруви раиси Ҳожимурод Эрматов. – Хусусан, ижтимоий ҳимояга муҳтож минг нафарга яқин ёлғиз кексаларга ҳомийлар томонидан мурувват ёрдами кўрсатилади. Мингдан зиёд кўп болали ва ёрдамга муҳтож оилаларнинг уй-жойлари таъмирлаб берилади. Айни пайтда бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Қайд этиш керакки, вилоятимизда ободонлаштириш юмушлари билан бирга бунёдкорлик ишлари кўлами ҳам йилдан-йилга кенгайиб бораётгани ҳудудлар инфратузилмасини мустаҳкамлаш, аҳолининг турмуш даражасини оширишда муҳим омил бўлаётир. Бу йил ҳам Наврўз байрами арафасида кўплаб савдо ва маданий-маиший муассасалар, уй-жойлар, корхоналар, "Гўзаллик салонлари", маҳалла гузарлари фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.



Ҳашар маҳаллалар, кўчалар, муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳ ва қабристонларни тартибга келтириш, ёлғиз қариялар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, умуман, халқимизга хос олижаноб фазилатларни ёшлар онгига сингдиришда муҳим аҳамиятга эга. Бу борадаги қадриятларимизнинг бардавомлигини таъминлашда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши томонидан амалга оширилаётган тадбирларнинг ҳам ўрни беқиёс. Ҳашар муносабати билан ҳаракатнинг "Юртимни обод этаман", "Ўтганлар руҳини шод этайлик" каби лойиҳалари кўлами янада кенгайди. Йигит-қизлар ўзлари яшаётган маҳалла, ўқиётган таълим масканида олиб борилган ободонлаштириш ишларида фаол иштирок этишмоқда.

– Тоза, обод жойда файзу барака бўлади, – дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Зангиота тумани бўлими раиси Иброҳим Саидкаримов. – Шунинг учун туманимизда ўтадиган байрам олдидан уюштирилаётган ҳашарда маҳаллаларимиздан минглаб кишилар қалб амри билан хонадонлар, кўча ва хиёбонлар, гузарларни тозалаб, обод этаяпти. Халқимизга хос бундай хайрли ишларда пок ниятларимиз, эзгу орзу-мақсадларимиз ўз ифодасини топмоқда.

**Бахтиёр ШАВКАТОВ.**

*Анъанага мувофиқ, вилоятимиздаги корхона ва ташкилотлар ўз ходимларининг бир кунлик иш ҳақларини ихтиёрийлик асосида "Маҳалла" хайрия фондининг вилоят бўлими ҳисоб рақамига ўтказадилар. Бу маблағлар маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларига кўмак бериш, кексалар, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида кўзда тутилган хайрли ва эзгу вазифаларни амалга оширишга йўналтирилади.*

Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Тошкент вилояти бўлими ҳисоб рақами: 20212000500132942001, ОАТБ Қишлоқ қурилиш банк Тошкент вилоят минтақавий бўлими МФО 00987, ИНН 200548395, ОКОНХ 98600.

Бошланиши 1-бетда.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг
ҚАРОРИ

## ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИ РАИСЛАРИ (ОҚСОҚОЛЛАРИ) ВА УЛАРНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ҲАМДА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда.

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайлови бўйича сайлов бюллетени намунаси 3-иловага мувофиқ;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) маслаҳатчиларининг сайлови бўйича сайлов бюллетени намунаси 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига 2016 йилнинг 20 мартигача бўлган муддатда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияларни тузиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларига фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишда фуқаролар йиғинларига кўмаклашиш, зарурат бўлганда уларни бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлаш;

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларига ўз сайлов округларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишни ташкил этишда фаол иштирок этиш;

оммавий ахборот воситаларига фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш жараёнини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар комиссиялари томонидан ўтказиладиган тадбирларда фаол иштирок этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси ўтказилган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги ахборотни умумлаштирсин ҳамда 2016 йил 20 июлга қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгашига сайлов якунлари тўғрисида ахборот берсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Н. ЙЎЛДОШЕВ.**

Тошкент шаҳри, 2016 йил 5 март.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этишга ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси тўғрисида

### АХБОРОТ

Шу куни Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши томонидан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга бағишланган брифинг ташкил этилди.

Брифингда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг ўринбосари, Сенат Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этишга ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси раисининг ўринбосари С. Ортиқова белгиланган сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда фуқароларнинг сайловда иштирок этишга доир конституциявий ҳуқуқлари тўлиқ рўёбга чиқарилиши учун ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиб бериш, сайлов жараёнидаги барча иштирокчиларнинг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига сўзсиз риоя этишига эришиш, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар, уларнинг ахлоқий ҳамда ишлаш хусусиятлари билан таништириш энг муҳим вазифалар ҳисобланишига эътибор қаратди.

Бошланиши 1-бетда.

Ҳозирги вақтда Сенат Кенгаши комиссияси фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш жараёнининг қонунийлигини, очиқ-ошкоралигини таъминлаш, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларини кенг тушунтириш, сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаб олди.

Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишнинг барча босқичлари очиқ-ошкоралигини таъминлаш мақсадида ҳудудларда сайловни ёритиб боришга масъул бўлган ахборот хизматлари фаолияти йўлга қўйилиши ҳам таъкидланди.

Брифинг сўнгида сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёни тўғрисида ОАВ мунтазам равишда хабардор этиб борилиши маълум қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.**

# ТАРҒИБОТ ВА МАСЪУЛИЯТ

*Янгийўл туманида "Юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлашга ҳар биримиз маъсулмиз" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.*

### Давра суҳбати

Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда депутатлар, партия фаоллари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари, санъаткорлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Акмал Умаралиев, Тошкент ислом институти ректори Уйғун Ғафуров ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида диний экстремизм ва терроризмга қарши курашиш, аҳоли, айниқса, ёшларда мафкуравий соғлом иммунитетни кучайтириш, бу соҳада жамоатчилик иштирокини янада фаоллаштиришга қаратилган ишлар изчил амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади.

Бугун дунёда ёшлар онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ахборот хуружлари тобора авж олмоқда. Улар орасида ёлғон ахборот тарқатиш, миллий-маънавий қадриятларни емириш, ёт ғояларни тарғиб этиш, кибертерроризм кенг тарқалмоқда.

– Бугунги глобаллашув даврида мафкуравий хуружларга қарши кескин курашиш, турли мафкуравий хуружларнинг моҳиятини чуқур очиб бериш ниҳоятда зарур, – дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тоҳир Саидов. – Бу жараёнда барча таълим муассасалари, маҳалла ва гузарларда тегишли соҳа вакиллари иштирокида учрашувлар, давра суҳбатлари, семинар-тренингларни мунтазам ўтказиб бориш, ёшларга ёвуз ниятли кучлар ва уларнинг асл мақсади ҳақида атрофлича маълумот бериш, тарғибот-тушунтириш ишлари муҳим аҳамиятга эга.

Тадбирда "Тутқинликка тушманг", "Адашган қиз қисмати" номли фильмлар намойиш этилди.

**Б. ҲИДОЯТОВ, ЎзА мухбири.**

# СОҒЛОМ ОИЛА – БАХТ ОШЁНИ

Мустақиллик йилларида "Соғлом она – соғлом бола" тамойили асосида мамлакатдаги барча мутасадди институтлар, давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятининг соғлом авлод ғояси асосида бирлаштирилиши ва ана шу эзгу мақсадга йўналтирилиши миллат генофондини асрашга қаратилган умуммиллий ҳаракатга айланди. Ҳозир Ўзбекистон дунёнинг 125 та давлати орасида хотин-қизлар учун қулай шароит яратиш ва оналикни муҳофаза қилиш борасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди.

Маълумки, оила жамиятнинг кичик ячейкаси, негизи ва асосидир. Оилада маънавий-руҳий ва тиббий саломатлик базасини яратиш, аҳоли тафаккурини соғлом турмуш тарзи асосида қайта шакллантириш, рационал овқатланиш, дам олиш, ма-

Бошланиши 1-бетда.

даний ҳордиқ чиқариш, соғлом бола туғилишини таъминлаш, оила қўрғонининг ҳам чиройи, ҳам чароғбони бўлган хотин-қизларга, шунингдек, ҳомиладор аёлларга алоҳида муносабатда бўлиш, ёшлар ўртасида турли касалликлар ва нохуш ҳолатларнинг олдини олиш, тиббий маданиятни тарғиб этиш ва шакллантириш кейинги йилларда давлат ва жамоат ташкилотлари иш фаолиятининг бош мезонига айланаётир. Саломатлик масъулияти, аввало, инсоннинг ўзига тегишли мажбуриятлиги, ёшлар саломатлиги давлатнинг энг катта бойлиги эканлиги каби масалалар ўз моҳиятини тўла намоён этмоқда.

2016 йилнинг "Соғлом она ва бола йили" деб номланиши бу борадаги ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Давлат дастурида соғлом бола – соғлом оила меваси эканлиги, оналик ва болалик ҳимоясини таъминлаш, оналар саломатлигини мустаҳкамлаш, аёлларнинг кундалик рўзғор ташвишларини енгиллаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ёшларнинг никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтишида соғлиқни сақлаш тизими ва тиббиёт ходимларининг роли ҳамда масъулиятини ошириш, таълим-тарбияда спортнинг ўрнини кучайтириш, соғлом турмуш тарзини фаол тарғиб этиш, болалар, айниқса, қиз болалар ўртасида жисмоний тарбия ва спортга меҳр уйғотиш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш каби вазифа-

### Эътибор

лар ўз ифодасини топган.

Эътиборлиси, бу жараёнда қишлоқ жойларида истиқомат қилаётган опа-сингилларимизнинг турмуш даражасини янада яхшилаш, оғирини енгил қилиш, саломатликларини мустаҳкамлаш мақсадида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, "Гўзаллик салонлари", таъмирлаш, тикув цехлари, маиший техникаларни тузатиш шахобчаларининг барпо этилаётгани аҳолига қулайлик яратиш баробарида шаҳар ва қишлоқларимизга кўрк ва тароват бағишлаяпти.

**Садоқат РАСУЛОВА, Ўзбекистон Миллий университети олий журналистика курси тингловчиси.**

# Чироқ қадри – зулматда

*Бугун халқимиз эришаётган барча ютуқ ва марраларнинг асл омили юртимиздаги тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликдадир.*

### Агар огоҳ сен...

Чиндан ҳам, кўпни кўрган халқимиз ўз ўтмиши давомида не-не синову машаққатларни бошдан кечирмаган, дейсиз. Бугун кўз ўнгимизда юз бераётган оламшумул ўзгаришларни, бундай юксалиш ва фаровонликни илгари фақат орзу қилиш мумкин эди, холос. Шу боис бугунги тинч ва фаровон, дориламон кунларга ҳар қанча шукрона айтсак кам. Уни асраб-авайлаш учун курашиш, фидойилик намуналарини кўрсатиш ҳаммамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Қайсидир куни чойхонада гурунг бўлди. Бизнинг Ўзбекистонимиз дунёнинг энг бахтли мамлакатлари қаторида экан. Бу ҳавойи гапмас, БМТнинг ўзи эътироф этиб қўйибди. Эшитиб, қойил қолдим. Фахрланиб кетдим. Билсангиз, бундай ҳаётни кўзга суртса арзийди. Афсуски, биз ҳадеганда бунга эътибор қилавермаймиз. Ёшлар орасида тўқликка шўхлик қиладиганлар кам дейсизми? Ўзга юртдан бахт қидириб, саробга йўлиққан нотавонлар, ўз элига, юртига, демакким, ота-онасига қарши қўл кўтарган кўрнамаклар йўқми? Шундайларга айтадиган гапим шу: чироқ қадри зулматда билинади. Ёруғ кунларнинг қадрига етайлик, эртамизнинг бунданда нурафшон бўлиши учун қайғурайлик. Буни мен, саксон ёшнинг остонасида туриб, ҳаётнинг кўп аччиқ-чучугини тотган, очарчиликни ҳам, қаҳатчиликни ҳам кўрган бир нуроний сифатида айтаяпман. Ҳали шундай кунлар келадики, ер юзидаги энг бахтли мамлакатнинг толеи баланд ёшлари мана бу иморатни бобом қурган, мана бу дарахтни отам эккан, деб ҳақимизга дуо қилиб яшайди.

Огоҳ одам қоқилмайди. Шукроналик билан яшаган одамнинг иқболи кулаверади. Осойишталик деб аталмиш бебаҳо неъматнинг қадрига етайлик, шукрона айтайлик. Дуои фотиҳага қўл очиб, аввало, юртимиздаги тинчлик-хотиржамликка кўз тегмасин, хонадонларимиздан яхши кунлар, дастурхонларимиздан кут-барака аримасин, дея ният қилайлик.

**Ғайрат СУЛАЙМОНОВ, меҳнат фахрийси.**

# ОСОЙИШТАЛИК КАФОЛАТИ

Бошланиши 1-бетда.

Сўзга чиққанлар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида тинчлик ва осойишталикни сақлаш борасида олиб борилаётган кўламли саъй-ҳаракатлар халқимиз учун бугунгидек осуда ва фаровон ҳаётни таъминлашнинг мустаҳкам кафолати бўлаётгани, бу жараёнда, айниқса, ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб шакли бўлган маҳаллаларнинг ҳуқуқ-тартибот идоралари билан олиб бораётган манфаатли ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидладилар.

Шу ўринда айтиш жоизки, айни пайтда вилоятдаги ўзини ўзи бошқариш идораларида мингга яқин "маҳалла посбони" жамоат тузилмаси, 314 та милиция таянч пункти иш олиб бораяпти. Уларнинг 200 дан ортиғи бевосита маҳалла идоралари билан битта бинода жойлашгани аҳоли масканларида тинчлик ва осойишталикни сақлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги ишларга кўлам ва самарадорлик бағишлаяпти.

Эркин фикр алмашув ва мунозара руҳида кечган давра суҳбатида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилиб, муфассал жавоблар олдилар.

Тадбирда вилоят ҳокимининг ўринбосари А. Қаршиев сўзга чиқди.

**Ўз мухбиримиз.**



Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.

# «БЎШ КЕЛМА, ОТА ЎҒИЛ!»

Соғлом турмуш тарзи

*Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: "Спорт – бу аввало соғлом авлод, соғлом келажак дегани. Бинобарин, фақат соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади". Дарҳақиқат, инсон жисмоний соғлом бўлмас экан, у маънан етук ҳам бўлолмайди.*



Мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, аҳолини спортга янада кенгроқ жалб қилиш, айниқса, оилавий спортни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ташаббуси билан ўтказилаётган "Соғлом оила" анъанавий спорт мусобақасининг вилоят босқичига қадар беллашувларда 17 мингга яқин иштирокчи қатнашгани унинг нечоғлик муҳим аҳамият касб этиб бораётганидан далолатдир.

Тошкент Давлат аграр университетида мазкур спорт мусобақасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида ташкил этилган тадбирда мусобақанинг шаҳар ва туман босқичларида ғолиб бўлган 40 оилавий жамоа югуриш, сакраш, акробатика, тўпни нишонга отиш, эстафета ва арқон тортиш бўйича баҳслашди.

– "Қуш уясида кўрганини қилади" деб бежиз айтишмаган, – дейди мусобақа ғолибаси, Паркент туманидаги Нурматовлар оиласи бекаси Гулнора Раҳимхўжаева. – Фарзандларимиз бизнинг юриш-туришимизга, қилаётган ишимизга бевосита тақлид қилади. Шу маънода, агар спорт турмуш тарзимизнинг ажралмас қисмига айланса, фарзандларимиз соғлом бўлиб камол топади. Ўз навбатида соғлом, ҳаракатчан боланинг ўқиши яхши бўлади. Шунинг учун спортни нафақат саломатлик, балки ёрқин келажак кафолати десак, муболаға бўлмайди.

Ўғил фарзандли оилалар ўртасида Бекобод туманидан Садиевлар, қизли оилалар ўртасида эса Паркент туманидан Нурматовлар оиласи ғолиб бўлиб, мусобақанинг мамлакат босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Шунингдек, қатор номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Тадбир якунида ғолиб ва совриндорлар махсус диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.**

# КАМОЛОТНИНГ ҚЎШ ҚАНОТИ

– Дунёда энг улуғ зот ким? – деб сўрашибди донишманддан.

– Ота билан она, – жавоб берибди у.

– Ота ва онага баробар табаррук зот борми?

– Бор, – дебди донишманд. – У – устоздир.

Дарҳақиқат, ота-она фарзандини моддий жиҳатдан таъминласа, устоз унга илм ва маънавият бағишлайди. Шу маънода Президентимиз такидлаганларидек: "Кўз нури ва қалб қўрини, бор билим ва тажрибасини ёш авлод тарбиясига бағишлаб, маърифат зиёсини таратиб келаётган устозларга суянамиз, таянамиз".

– Одам қаерда, қандай лавозимда ишламасин, қандай ютуқ ва марраларни забт этмасин, унга, аввало, мактабда олган илк таълим-тарбияси асқотади, – дейди Ўрта Чирчиқ туманидаги 9-умумтаълим мактаби бошланғич синф ўқитувчиси Назира Қаюмова. – Тарбия бобомиз Абдулла Авлоний айтганидек: "...биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир". Ёшларимизнинг маънавий-ахлоқий камолотига хизмат қилувчи саъй-ҳаракатларнинг тизимли йўлга қўйилиши, яъни таълим, маданият ва санъатни равнақ топтириш, буюк аждодларимиз ҳаёти, фаолияти, бой маънавий меросини мукаммал ўрганиш ватанпарвар, фидойи авлодни камол топтиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилаётир.

Бошланиши 1-бетда.

### Таълим

Мамлакатимизда келажак ворислари камолига қаратилаётган эътибор чет элликлар ҳавасини келтираётгани ҳам бор гап. Буни Будапешт университети профессори Бенедек Перининг "... мен бу ерга 30 йил аввал ҳам келган эдим. Истиқлол йилларида халқингиз фахрланса арзигулик улкан муваффақиятларни қўлга киритганини алоҳида таъкидлашни истардим. Бу Президент Ислом Каримов раҳнамолигида узоқни кўзлаб олиб борилаётган оқилона сиёсатнинг самарасидир. Мамлакатингизда давлат бюджетининг қарийб 35 фоизи таълим-тарбия соҳасига йўналтирилгани таҳсинга сазовор. Таълим ва маданият соҳаларига бундай улкан эътибор қаратаётган юртнинг келажаги албатта буюк бўлади", деган сўзлари мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Салкам 35 йилдан буён жажжи ўғил-қизлар қўлига қалам тутиб, қалбига илмга муҳаббат туйғусини жо этаётган Н. Қаюмова ўқитувчилик ўта масъулиятли, шу билан бирга шарафли касб эканини яхши билади. "Ахир, фарзандларимизга бугунги саодатли кунларга не-не заҳмат ва машаққатлар билан етганимизни айтиш, шу орқали улар қалбида шукроналик, она диёридан фахрланиш туйғуларини мустаҳкамлаш биз ўқитувчиларнинг асосий вазифамиздир", дейди у.

Дарвоқе, меҳнат рағбатсиз қолмайди деганларидек, Назира Қаюмова ўтган йили Президентимизнинг "Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонига биноан "Дўстлик" ордени билан тақдирланди.

**Ирода НОРБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

Рағбат

*Асадбек Тоштемиров асли бекободлик. "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик жамияти қошидаги спорт мажмуасида тўрт йилдан буён тажрибали мураббий Аброр Каримовдан сабоқ олиб, шаҳар ва вилоят миқёсидаги паратаэквандо мусобақаларида ғолибликни қўлга киритди.*

# АСАДБЕКНИНГ НИЯТИ КАТТА

2015 йил декабрь ойида республика мусобақасида барча рақибларини мағлуб этиб, Ўзбекистон чемпиони бўлди.

Ўзбекистон параолимпия терма жамоаси аъзоси А. Тоштемиров айни кунларда Осиё ва Жаҳон чемпионатларига қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

– Ниятим параолимпия ўйинларига йўлланмани қўлга киритиб, чемпион бўлиш, – дейди Асадбек. – Ҳозир барча шароитлар яратилган спорт мажмуамизда қизғин тайёргарлик кўрмоқдаман.

Бугуннинг гапи

*"Тошкент ҳақиқати" газетасининг кейинги сонларидан бирида "Мустақиллигимизнинг 25 йиллигига 25 туп дан дарахт" рукни остида эълон қилинган мақолани ўқиб, роҳатландим. "Кунлар илиб, табиат уйғона бошлаган шундай паллаларда одам уйини, маҳалласини, юртини обод этиб, эзгу ишлар қилгиси келади", деган сатрлардан руҳландим.*

# ЮРТДОШИМ, БОҒИНГГА БИР НИҲОЛ ҚАДА...



Ҳақиқатан ҳам Ўзбекистонимизнинг бугунги довруғидан қалбимиз ғурурга тўлади. Эркинликнинг қадру қиммати, нашъу намосидан ҳар қадамда баҳраманд бўлмоқдамиз. Муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида не-не улкан довонлардан мардонавор ошиб бормоқдамиз. Энди эса, олдимизда ғоят улуғвор сана – мустақилликнинг йигирма беш йиллиги бўй кўрсатиб турибди. Хўш, бу кунга қандай сарҳисоб билан бормоқдамиз?..

Биз яшаётган Тошкент вилояти юртимизнинг энг сертармоқ ҳудудларидан бири. Унинг муваффақиятларидан ҳаммамиз бирдек қувонамиз ва руҳланамиз. Шу билан бирга, нуқсон ва камчиликларига масъул эканимизни ҳам унутмаслигимиз керак. Агар ҳамма бир ёқадан бош чиқариб, аҳиллик билан астойдил ҳаракат қилса, вилоят мудом олға босади.

Бу йўлда кўпни кўрган, катта ҳаёт тажрибасига эга отахонлару онахонларнинг алоҳида ўрни бор. Шу азиз юртда иззат ва икромда яшаётган эканмиз, Ватан равнақи, эл фаровонлигига баҳоли қудрат ҳисса қўшмоғимиз шарт. Имкони бўлса, бевосита амалий ёрдам кўрсатмоғимиз, ҳеч бўлмаганда, маслаҳатларимиз билан ҳар жабҳада фаол бўлмоғимиз кераклигини шиддатли ҳаётнинг ўзи тақозо этиб турибди.

Пенсияга чиққанимдан сўнг мўъжазгина бир боғ яратишга киришдим. Бўстонлиқ туманининг Оқтош ҳудудидаги яроқсиз бир қояликда ҳокимлик ва қишлоқ фуқаролар йиғини билан келишилган ҳолда бунёд этган етти гектарли боғимиз қийғос гулга кираяпти. Бу йилги улуғ сана дастурхонига биз ҳам сархил мевалар тортиқ этиш ниятидамиз.

Мустақиллигимизнинг муборак тўйига муносиб тухфа бўлсин, деб яна бир ишга қўл урдик. Қишлоғимизда икки минг йилдан зиёд тарихга эга қадимий ёдгорликлар бор. Уларни бир-бирига уловчи йўллар созланса, атроф ободонлаштирилса, нафақат Хондайлиқ қишлоғи, балки бутун туман, вилоят, ҳатто, мамлакатимиз обрў-нуфузини кўтарадиган гўзал зиёратгоҳлар вужудга келади. Анча иш ўринлари яратилади.

Бу ҳақда туман ҳокимлигига хат билан мурожаат қилдик. Таклифимиз маъқулланди. Шу биргина мисол воситасида айтмоқчиманки, шаҳар ва қишлоқларда яшаб турган, катта ҳаёт тажрибасига эга нуронийлар эзгу ишларга бош қўшишса, раҳбарларнинг ёнида туриб, далда бўлишса юртимиз янада обод, халқимиз ҳаёти фаровон бўлаверади.

**Асад АСИЛ,**
**меҳнат фахрийси.**

# ИНТЕРНЕТ МАДАНИЯТИ – ДАВР ЗАРУРАТИ

*Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Зангиота академик лицейида "Миллий ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ёшларда интернет маданиятини шакллантиришнинг долзарб вазифалари" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.*

Тадбир

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳудудий бошқармаси ҳамда "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда кенгаш аъзолари, девон ходимлари, депутатлар, партия фаоллари, таълим муассасалари раҳбарлари, ўқувчи-ёшлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Таъкидландики, бугунги глобаллашув даврида иқтисодиёт тармоқларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, "Электрон ҳукумат" тизими фаолиятини янада ривожлантириш устувор аҳамиятга эга. Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, айни пайтда, глобал иқтисодиётда компьютер ва телекоммуникация технологиялари, дастурий таъминот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва улар асосидаги турли интерфаол хизматларнинг роли ва аҳамияти ортиб бормоқда. Ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши, ўз навбатида, ахборот тўплаш ва уни умумлаштириш имконини кенгайтиради, бошқарувни талаб даражасида ташкил этиш учун кенг шароит яратади.

**Маҳлиё ИСРОИЛОВА.**

# КОЛЛЕЖ ЁШЛАРИГА ТУҲФА

*Чиноз агросаноат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежида спорт мажмуаси ва мажлислар зали биноси қуриб, битказилди.*

750 миллион сўм маблағ сарфланган мажмуа нафақат ўқувчилар, балки маҳаллий ёшлар учун ҳам хизмат қилмоқда. Ҳозир бу ерда 16 та спорт тўгараги ишлаб турибди. Мажмуа зарур спорт жиҳозлари билан таъминланган.

220 ўринли мажлислар залини қуриш ва жиҳозлашга эса 640 миллион сўм сарфланди. Бинонинг ташқи қиёфаси гўзал бўлиши билан бирга, зал ичи дид билан жиҳозланган.

**Юлдуз ФАЗЛИЕВА.**

# ТАНСИҚ КУНЛАР ТАОМИ

*Баҳор ташрифи билан Оҳангарон туманидаги "Янгилик" маҳалласи кайвонилари Фатси Холмирзаева, Раҳима Аҳророва, Ўғилой Алиева, Санобар Юнусалиева биргаликда Наврўз ҳаракатини дошқозон атрофидан бошлашди.*

Удум

– Эзгу удумларимиз бор бўлсин, – дейди маҳалла фаоли Унсуной Мўйдинова. – Оналаримиз айтган афсона, эртак, маталлари кўнгилларни сурурга тўлдирди. "Баҳор неъмати бўлмиш сумалаклар доимо қалбларни эзгуликка йўлдош этсин!" деб дуо қилдик.

Бу каби сумалак сайли кўҳна Оҳангароннинг қишлоқ ва овуллари бўйлаб давом этмоқда.

**Наргис ҲАСАНОВА.**

## XXI аср ва дунё

# КРИШТИАНУ ҲАММАДАН ЎЗДИ

*Мадриднинг "Реал" жамоаси асосий тўпурари Криштиану Роналду чемпионлар лигаси ўйинларида энг кўп қатнашган футболчи сифатида рекорд ўрнатди.*

Хабарингиз бор, таниқли футбол юлдузи Италиянинг "Рома" клубига қарши "Қироллик клуби" жамоаси таркибида майдонга тушди. Бу 31 ёшли ҳужумчининг чемпионлар лигасидаги 57-иштироки эди. Шундай қилиб, у "Барселона" жамоаси собиқ ярим ҳимоячиси Хавини ортда қолдирди.

Умуман, чемпионлар лигаси ўйинларида 50 мартадан зиёд майдонга тушган футболчилар сафида "Реал Мадрид" жамоасининг собиқ дарвозабони Икер Касильяс (55), "Барселона" клуби ярим ҳимоячиси Андрес Иньеста (53), айни вақтда "Нью-Йорк Сити" жамоасида тўп сураётган Фрэнк Лэмпард (52), "Барселона" ҳужумчиси Леонель Месси, "Манчестер Юнайтед" дарвозабони Виктор Вальдес (51) ҳам бор.



# ОДАМ АҚЛЛИМИ ЁКИ СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ?

*Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида Хитой шашкаси тарихида биринчи марта одам билан сунъий интеллект ўртасида учрашув бўлиб ўтади.*

Жаҳон рейтинги бўйича чемпион Ли Се Донга қарши сунъий интеллект дона суради. ТАСС тарқатган хабарда айтилишича, хитойча қоидага мувофиқ, беш босқичда, 15 мартгача бўлиб ўтадиган беш учрашувнинг барчасида ғолиб чиққан томон 1 миллион доллар мукофот эгаси бўлади.

Мусобақа олдидан бўлиб ўтган матбуот конференциясида чемпион Ли Се Дон ўз ғалабасига ишончи комил эканини таъкидлади. Бироқ, сунъий интеллект ихтирочиларининг фикри ўзгача. Улар одам машинадан устун келолмайди, дейишмоқда. Шунга қарамай, икки томон, ким ютишидан қатъи назар, ушбу учрашув тарихий бўлиб қолишига ишонмоқда.



# СОҒЛИҒИМ ЯХШИ ДЕГУВЧИЛАР УЗОҚ ЯШАЙДИ

*Швейцария ҳамда британиялик бир гуруҳ олимлар узоқ вақт давомида олиб борган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, киши ўз соғлиғи ҳақида доимо яхши фикрда юрса, ҳам умри узаяди, ҳам ҳаёти гўзал бўлади.*



Мутахассисларнинг айтишича, улар 29 йил давомида бир гуруҳ одамлар ҳаётини кузатиб бордилар. Бу одамлар турли клиникаларда тиббий кўрикдан ўтиб туришган. Олимлар кузатувдаги кишиларнинг ўз саломатликларига қандай муносабатда эканликларини аниқладилар ва натижаларни таҳлил этиб, соғлиғим яхши, деб хурсанд кайфиятда яшаганлар "фалон жойим оғрияпти, ўзимни ёмон ҳис қилаяпман", дея нолиб юрганларга нисбатан узоқроқ умр кўрганларига гувоҳ бўлдилар. Дарвоқе, бу ерда гап оддий бетобликлар, яъни инсон жисмига ортиқча зарар етказмайдиган хасталиклар ҳақида бораяпти. Шунга кўра, олимлар одамларга майда-чуйда хасталикларга эътибор қилмай, ҳаётдан доимо завқланиб яшашни маслаҳат бердилар.

# МАНА, СИЗГА ОҚИБАТ!

*Тўрт йилдирки, Патагонияда яшовчи пингвин ҳар йили 5 минг километр масофани сузиб ўтиб, ўз халоскори Жуан Перейра де Соузо билан саккиз ой бирга бўлади.*

The Independent нашрининг ёзишича, 2011 йилда Жуан Рио-де-Жанейродаги пляжлардан бирида қирғоққа чиқариб ташланган, ўлим билан олишаётган пингвинни нефть асоратларидан тозалаб, ювиб, тараб, муқаррар ўлимдан қутқариб қолган ва унга Диндим деб лақаб қўйганди. "Диндим мендан бошқа ҳеч кимни ёнига йўлатмайди, – дейди Жуан. – Тиззамга ётиб олиб, чўмилтиришимни "талаб қилади". Шундан кейин тўйгунича овқатлантираман ва эринмай эркалатаман".

Унинг айтишича, жонивор ҳар йили июнь ойида келиб, келгуси йилнинг февралида келган жойига қайтиб кетади.

*Интернет хабарлари асосида тайёрланди.*

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта: thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Нозима РАСУЛОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-5340. Адади 14322. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 23.00.